Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 28 август жума

Сотувда эркин нархда
№ 172 (1953)

## БУГУН ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

*Мамлакатимизда фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантиришдаги улкан хизматлари, юрт истиқлолини мустаҳкамлаш, маънавиятни юксалтириш ҳамда тинчлик ва барқарорликни сақлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### "БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН" ОРДЕНИ БИЛАН

**Аҳмедов Раҳим** — Ўзбекистон халқ рассоми

**Бурхонов Мутал (Мутаваккил) Музаинович** — бастакор

**Муҳаммеджонов Зокир** — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри

### "ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ" ОРДЕНИ БИЛАН

**Аббосов Шуҳрат Салиҳович** —"Ўзбеккино" ДАК "Ўзбекфильм" ОТАЖ кинорежиссёри

**Абдуллаев Абдулҳақ Оқсоқолович** — Ўзбекистон халқ рассоми

**Абдурасулов Абдулла** — Хива "Ичан қалъа" музей-қўриқхонаси директори

**Азизхўжаев Раҳматулла (Раҳмат Азизхўжаев)** — ёзувчи

**Акилова Виктория (Вилоят) Исохоровна** — "Ўзбекрақс" миллий рақс бирлашмаси балетмейстери

**Алиев Аҳмад Умарович** — Тошкент давлат университети доценти

**Алимов Вали** — Тошкент педиатрия-тиббиёт институти профессори

**Арипов Мирҳосил (Туйчи)** — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри

**Арипов Ўктам Арипович** — I Тошкент давлат тиббиёт институти профессор-консультанти, академик

**Ахмедов Карим Содиқович** — Тошкент кимё-технология институти профессори, академик

**Бобоев Собир** — бастакор

**Бобохонова Ҳадича Абдурасуловна** — Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри актёри

**Ботиров Роальд (Равиль) Измайлович** — "Ўзбеккино" ДАК "Ўзбекфильм" ОТАЖ кинорежиссёри

**Ботирова Шарофат** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлимининг масъул котиби

**Бурнашева Қамара** — Ўзбекистон халқ артисти

**Вахобова Ўктам Каримовна** — Самарқанд тиббиёт институти кафедра мудири

**Довидова Берда** — Ўзбекистон халқ артисти

**Есенбоев Зиёд Исламович** — "Ўзбекистон матбуоти" журналининг бош муҳаррири

**Ёқубов Одил Эгамбердиевич** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Ибрагимов Қурилиш Мадраимович** — Қашқадарё вилояти силга қарши диспансер шифокори

**Йўлдошев Толип (Толиб Йўлдош)** — ёзувчи

**Йўлчиева Муножатхон Абдувалиевна** —"Ўзбекнаво" гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

**Каримова Розия** — Ўзбекистон халқ артисти

**Кенжаев Мухитдин Акромович** — Навоий шаҳри Фарҳод маданият саройининг бадиий раҳбари

**Мамадалиев Паттохон** — Тошкент давлат консерваторияси профессори

**Машрабов Зокиржон Машрабович** — "Бобур" халқаро жамғармаси раиси

**Мирзаев Маҳмуд Мирзаевич** — Боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси раиси, академик

**Мирсаидов Мирмуҳсин (Мирмуҳсин)** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Муратходжаев Наримон Қодирович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Онкология ва радиологоия илмий-текшириш институтининг директори

**Мусаев Жўра Азимбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликар экспериментал биологияси институти лабораторияси мудири, академик

**Мўминов Пўлат (Пўлат Мўмин)** — Ўзбекистон халқ шоири

**Осипова Евгения Николаевна** —Тошкент шаҳар 6-сонли туғруқхона акушер-гинекологи

**Раҳимов Иброҳим Абдураҳимович (Иброҳим Раҳим)** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Ризаева Юлдуз Акрамовна** — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

**Русинов Владимир Алексеевич** — М.Горький номидаги рус академик драма театри актёри

**Рустамов Алибек** — Тошкент давлат шарқшунослик институти кафедра мудири, академик

**Санджонов Ўлмас** — "Ўзбекнаво" гастроль-концерт бирлашмаси бош директори ўринбосари

**Сеитов Хожабек** — ёзувчи

**Тожиев Қодир** — "Ўзтелерадио" компанияси диктори

**Тўйчиев Абулқосим** — ҳофиз, сўз устаси

**Тўраева Райҳон Умаровна** — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри

**Тўрақулов Ёлқин Холматович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

**Убайдуллаев Маматхон** — Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театри актёри

**Файзиев Турғун** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси шарқшунослик институти етакчи илмий ходими

**Хўджаев Шабат Башруллохўжа** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Вирусология илмий-текшириш институти директори

**Чориев Рўзи** — Ўзбекистон халқ рассоми

**Шамуҳамедов Шаислам Махмудович** — Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори

**Эгамназаров Назармат (Назармат)** — шоир

**Юсупов Анвар** — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри

**Янбаева Хуршида Ибниаминовна** — I Тошкент давлат тиббиёт институти профессор-консультанти

**Қобулов Восил Қобулович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги

**Қодиров Пиримқул** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Қориев Маҳсуд** — "Меҳригиё" газетасининг бош муҳаррири

**Қосимов Ориф** — Ўзбекистон халқ артисти

**Қўзибоев Неъмат Мирзабоевич** — Камолиддин Беҳзод номидаги Тошкент давлат миллий рассомчилик ва дизайн институти профессори

**(Давоми 2-бетда).**

## МАҚСАДИМИЗ — ЭЛИМИЗ ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ

Мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллик тўйи арафасида Президентимиз Фармонига биноан менга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилгани тўғрисидаги хушхабарни эшитиб, адабиётимизга, маънавиятимизга билдирилган бундай катта ишонч ва меҳрдан бошим кўкка етди. Катта-кичик ёзувчилар, баҳоли қудрат ижод қилаётганлар мустақил мамлакатимизнинг бугуни, келажаги учун куюниб яшаётганда уларга билдирилаётган бу каби эътиборнинг ўзи катта бахт эканини яна бир бор ҳис этдим.

Шу топда жуда ҳаяжондаман. Вазифамга кўра Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қиламан. Шунинг учун менга берилган унвонни аввало уюшмамизга ва унинг барча аъзоларига билдирилган буюк ишонч, ҳурмат белгиси деб биламан.

Яна бир гапим шуки, ёзувчиларимизнинг меҳнатларини эътироф этиб, уларни доимо рағбатлантириб тургани учун давлатимиздан, ҳукуматимиздан, Президентимиздан миннатдормиз. Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаб ўтишим керакки, ёзувчиларимиз ҳали замон билан, юртимизда юз бераётган оламшумул ўзгаришлар билан тенг бораётганлари йўқ. Мустақиллик туйғуларини мустаҳкамлаш борасида тилга тушарли барҳаёт асарларни яратишга ҳали улгурганимизча йўқ. Замон эса анча илгарилаб кетди. Шу боис ёзувчиларимизнинг замондан, халқимиздан қарзи кўп. Лекин қувончлиси — ижодкорларимиз қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Мақсадимиз — замонага ҳамоҳанг асарлар яратиб, элимиз ишончини оқлашдан иборат.

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**

## "ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ"

*Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамда Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ҳамкорликда ўтказган "Энг улуғ, энг азиз" танлови якунланди. Танловга 400 дан кўпроқ иш тавсия этилди. Танлов ҳайъати қарорига биноан биринчи мукофотга ёзувчи Иброҳим Ғофуров, рассом Акмал Икромжонов ва журналист Рўзибой Қўлдошев сазовор бўлди.*

*Журналистлар Носир Маматов, Дмитрий Власов, Владимир Каврейн, рассом Содиқ Раҳмонов ва олим Султонмурод Олимов иккинчи мукофот, адиблар Ашурали Жўраев, Ғаффор Ҳотамов, Муҳтарама Улуғова, олим Билол Аминов, журналистлар Анфим Хлизов, Станислав Алтунянц, Муҳаммад Амин эса учинчи мукофот билан тақдирландилар.*

*Шунингдек, бир гуруҳ ижодкорларга рағбатлантирувчи мукофотлар берилди.*

**(ЎзА)**

## ҚЎНҒИРОТНИНГ МЎЪЖИЗАСИ



*Журналистлардан бири газетада мамлакатимиз қисқа муддатда аграр республикадан саноатлашган республикага айланаётганлиги ҳақида ҳаяжонланиб ёзган эди. Унинг ҳаяжонида, дарҳақиқат, асос бор. Чунки айниқса, сўнгги уч-тўрт йил ичида мамлакатимизда кўплаб гигант, мўъжиза дегулик саноат корхоналари ишга тушди ва қурилмоқда. Қўнғирот сода заводини ҳам ана шундай корхоналар сирасига киритиш мумкин. Бу ерда айни пайтда иш қизғин. Завод билан бирга ишчилар шаҳарчаси ҳам тобора янги қиёфа касб этмоқда.*

*СУРАТЛАРДА: пайвандчи Пўлат Арзиев; қурилиш майдонида.*

**С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## КУЗАТИШ

*Масъум кўзларингда севинч бир олам,*
*Мурғак кўнглинг ичра дунё ҳаяжон.*
*Бугун қўймоқдасан мактабга қадам,*
*Мустақил юртимга тенгдош болажон.*

*Отанг ғурурланар, онанг билмас тин,*
*Бувинг бўйларингдан юз бор айланди.*
*Янги ҳаёт сенга муборак бўлсин,*
*Озод Ватанимнинг озод фарзанди.*

*Биринчи сентябрь, биринчи наҳор,*
*Биринчи қўнғироқ, биринчи таълим.*
*Осмонинг беғубор, дилинг беғубор,*
*Бахтли кун дунёга келган асалим.*

*Сени кузатаркан, ойижон эмас,*
*Фаришталар сочинг тараб турибди.*
*Хаёлимда шу бир хонадон эмас,*
*Олам йўлларингга қараб турибди.*

*Ойдин истиқболинг, иқболинг билан,*
*Кўнглимнинг энг ширин хаёлидирсан.*
*Ниҳолсан, эртанги камолинг билан,*
*Умидлар юртининг тимсолидирсан.*

*Кўнглим тўла сенга ҳавас ва зиё,*
*Ўзинг ўз, сўзинг сўз, мутелик абас.*
*Ўзга тил, бегона маслагу маъво,*
*Энди сенга азиз, мукаррам эмас.*

*Ҳур мамлакат сенинг, ҳур юрак сенинг,*
*Буюк тарих сенинг, сенинг замонанг.*
*Инқилоб зурёди эмас ватанинг,*
*Қуллуқдан бошланмас, миллий таронанг.*

*Шукур, шундоқ кунга етказди тақдир,*
*Ёруғ пешонангдан, кел, битта ўпай.*
*Юксакларни кўзла, қарчиғай ахир,*
*Полопон бўлса ҳам зоти қарчиғай.*

**Эркин ВОҲИДОВ.**

*Олий Мажлис ўн иккинчи сессияси кун тартибига киритилган барча масалалар ўта муҳим. Саноатда, қишлоқ хўжалигида ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари шулар жумласидан. Дарҳақиқат, ислоҳотларни жадаллаштириш давр тақозосидир.*

*Анжуманга келган айрим депутатларни суҳбатга чорладик.*

## ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК САРИ

**Маъмуржон СОБИРОВ, 205-Фурқат сайлов округидан депутат:**

— Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қўйилиши қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш сари яна бир муҳим қадам бўлди. Чунки ердан оқилона фойдаланган деҳқонгина кўнгилдагидек ҳосил етиштиради. Мелиоратив ҳолати издан чиққан ерга экилган кўчатни ҳар қанча парвариш қилманг, натижа чиқмайди. Қонуннинг аҳамияти шундаки, у барча фуқароларни ердан оқилона фойдаланиш, қайта тиклаш ва муҳофаза қилишга ундайди.

Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми қишлоқларда яшайди. Қишлоқ хўжалиги — пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик соҳаларида меҳнат қилишади. Шундай экан, жамиятимиз тараққиёти ислоҳотлар қишлоқ хўжалигида қандай амалга оширилаётганига ҳам боғлиқ.

Қишлоқда хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш, барча соҳаларга унинг чуқур кириб боришини таъминлаш ҳамон долзарблигича қолаяпти. Бугун ўз ишини бошлайдиган сессия кун тартибидаги масалалар худди шу мақсадга қаратилган.

**Шарофат НОРБОЕВА, 139- Ангор сайлов округидан депутат:**

— Сессия кун тартибига қўйилган масалаларнинг бариси ҳам муҳим. Чунки мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштиришда ана шу қонунларнинг аҳамияти беқиёс. Сессияда муҳокама этиладиган барча қонун лойиҳаларининг замирида давлат ва оила манфаатлари ётади. Бу икки нарса бир-бири билан шу қадар узвий боғланганки, уларни айрича тасаввур этиб бўлмайди. Чунки оила давлатнинг кичик бир бўлаги.

Айниқса, шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардимки, сессия кун тартибига қўйилган масалалар турмушда учраб турадиган айрим муаммоларга ҳуқуқий ечим бўлиб хизмат қилади. «Уй-жой кодекси», «Реклама тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг сессия муҳокамасига қўйилганлиги бунинг ёрқин мисолидир. Мен сессияга отлангунга қадар сайловчилар билан уч бора учрашиб, ана шу қонунларнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берганимда улар лойиҳа бандларини маъқуллашди. Бугун ана шу масалалар кўрилаётганда барча депутатларимиз масъулият билан ёндашадилар, деган умиддаман.

**Т. ИСМАТУЛЛАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

*27 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ҳокимлари, парламент қўмиталарининг раҳбарлари, Олий Мажлис Котибияти масъул ходимлари иштирокидаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.*

Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов олиб борди.

Мажлисда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясига тайёргарлик ишларига якун ясалди. Олий Мажлис Раисининг ўринбосари, парламентнинг бўлғуси сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича махсус депутатлар ишчи гуруҳининг раҳбари А. Қосимовнинг ахбороти тингланди. А. Қосимов қонун лойиҳалари устида олиб борилган ишлар, ташкилий-техник тадбирлар тўғрисида, барча хизматлар сессияга тайёрлиги, кун тартибига киритилаётган қўшимча масалалар, қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларини тушунтириш мақсадида депутатлар ўз округларидаги сайловчилар билан ўтказган учрашувлари ҳақида маълумот берди.

Сайловчилар мамлакатимизда демократик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш юзасидан республика раҳбарияти олиб бораётган стратегик йўлни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганликлари, қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти аҳоли кенг қатламларининг манфаатларига, жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига тўла-тўкис мослиги сабабли уларни маъқуллаётганликлари мажлисда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Тайёрланган қонун ҳужжатларининг Олий Мажлис бўлғуси сессиясида қабул қилиниши ёш мустақил давлатимиз демократия ва тараққиёт йўлидан ривожлана бориши учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратажаги таъкидланди.

Парламент қўмиталарининг раҳбарлари сессияга доир материаллар тайёрлиги хусусида ахборот бердилар.

Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазият кескинлашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Баёнотини Ўзбекистон парламенти муҳокамасига киритиш тўғрисидаги таклифини кенгаш аъзолари бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

Кенгаш биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн иккинчи сессияси муҳокамасига депутатлар партия фракциялари ҳамда ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки билан келишилган кун тартиби лойиҳасини киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Кенгашда бошқа бир қатор масалалар кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ДЕПУТАТЛАР БЛОКИДА

27 август куни ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни блок раҳбари, Олий Мажлис депутати Алишер Мардиев олиб борди.

Мажлис иштирокчилари сессия кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиб, улар хусусида атрофлича фикр алмашдилар.

Блок аъзолари кўрилажак масалалар мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этиб, улар муҳокамасида фаол қатнашиш ҳақида якдил хулосага келдилар.

## ОЛИЙ МАЖЛИС МАНДАТ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мандат комиссиясининг мажлиси бўлди. Уни комиссия раиси Ш. Мирзиёев олиб борди. Мажлисда шу йил 28 июнь ва 19 июль кунлари бўшаб қолган ўринларга бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайловининг якунлари муҳокама қилинди. Бу ҳақда Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси котибиятининг мудири А. Саъдуллаев ахборот берди.

Мажлисда Мандат комиссиясининг сайлов якунлари тўғрисида парламентнинг ўн иккинчи сессиясида қилинадиган маърузаси тасдиқланди.

Комиссия мажлисида, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси депутатларининг мақоми тўғрисида"ги қонуннинг Олий Мажлис депутатларининг ҳуқуқларига риоя этилишига доир қисми Самарқанд вилоятида қандай бажарилаётганини ўрганиш натижалари ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Бу ҳақда Мандат комиссияси ишчи гуруҳи раҳбари Ю. Нишонов, Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари Х. Нуруллаевнинг ахборотлари тингланди ва муҳокама этилди. Мажлисда ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИДА

Кеча "Ватан тараққиёти" партиясининг Олий Мажлисдаги депутатлари фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар бўйича фракция раиси А. Турсунов сўзга чиқди.

Сессия муҳокамасига киритиладиган қонунлар лойиҳалари юзасидан партия аъзоларидан 200 дан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар келиб тушди. Бу эса Ватанимиз тараққиёти ва жамиятимиз фаровонлигини белгилайдиган қонунлар қабул қилишдек муҳим ишга партия вакиллари бефарқ эмаслигини кўрсатади.

Ўтган сессия оралиғида "Ватан тараққиёти" партиясининг уч нафар вакили Олий Мажлис депутати этиб сайланганлиги эътиборга моликдир. Депутатлар Анвар Йўлдошев, Комилжон Йўлдошев ва бошқалар сессия кун тартибига киритилган қатор қонунлар бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Фракция аъзолари сессияда Афғонистондаги кейинги воқеалар муносабати билан парламентимизнинг жаҳон жамоатчилигига Мурожаат қабул қилиши ҳақида Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан киритилган таклифни якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

* * *

«Адолат» социал- демократик партияси фракцияси мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар галдаги сессияда кўрилажак масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришди.

— Кейинги пайтларда партия аъзоларининг фаоллиги, ташкилий жиҳатдан уюшқоқлиги сезилаяпти. Бу яхши ҳолат. Мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида парламентимиз томонидан муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаларининг ҳар бир банди, моддасини жиддий ўрганиб, тайинли хулосаларга эга бўлаётганимиз қувонарли, — деди мажлисни олиб борувчи, «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Турғунпўлат Даминов.

Йиғин иштирокчилари Олий Мажлиснинг XII сессиясида муҳокамага киритилиши кўзда тутилган барча масалалар юзасидан фикр ва муносабатларини атрофлича баён этдилар.

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎН ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 28 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 август куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси рўйхатга олинади.



# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

*Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг устунлигидан келиб чиқадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган янги юридик тамойил ва талабларга асосланган кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келтирилди.*

**Ислом КАРИМОВ.**

## ИНСОНПАРВАРЛИК — ОЛИЙ МАҚСАД

Халқаро шартномаларни ратификация қилиш парламент қонунчилик фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Масалан, ўтган вақт мобайнида Олий Мажлис икки томонлама, шунингдек, кўп томонлама руҳдаги 130 та халқаро конвенцияларга қўшилиш тўғрисида қарорлар қабул қилди. Улар қаторида Ядро синовларини ёппасига таъқиқлаш тўғрисидаги шартнома, Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги конвенция, Таълим соҳасидаги камситишларга қарши кураш тўғрисидаги конвенция, Оддий қуролнинг конкрет турлари қўлланишини тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисидаги конвенция, Халқаро маданий ҳамкорлик принциплари декларацияси, Дин ёки эътиқодлар замиридаги муросасизлик ва камситишларнинг барча шаклларини бартараф этиш тўғрисидаги декларация, Корхоналарда меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисидаги конвенция, Ўзбекистон Республикаси билан Греция Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Словакия Республикаси ўртасида ўзаро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартнома каби кўплаб бошқа ҳужжатлар бор.

Олий Мажлиснинг навбатдаги ўн иккинчи сессиясида ҳам бир қатор халқаро битим ва конвенциялар ратификация қилиниши кўзда тутилган. Жумладан, Бомбали терроризмга қарши кураш, товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизими, юкларни йўл орқали халқаро ташишда фойдаланиладиган, юкни йўл орқали ташувчи воситаларга солиқ солиш тўғрисидаги конвенциялар, халқаро автомобилда ташишни амалга оширувчи транспорт воситалари экипажлари ишига дахлдор Европа битими, Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, бир томондан ва иккинчи томондан, Бельгия-Люксембург иқтисодий уюшмаси ўртасида инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битимни мисол келтиришимиз мумкин.

Хабарингиз бор, сўнгги пайтларда жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солиб келаётган ҳодисалардан бири терроризм ҳаракатларининг кескин фаоллашишидир. Айрим экспертларнинг таъкидлашларига қараганда, 1998 йил бошидан шу кунга қадар 100 дан зиёд йирик террорчилик актлари оқибатида камида 50 мингга яқин одамлар жароҳатланган. Биргина август ойининг ўзида 100 дан ортиқ одам Дорус-Салом, Найроби, Кейтаун, Ома шаҳарларида содир этилган бомбали терророрнинг қурбони бўлди ва мингга яқин одам оғир жароҳатланган. Ўзбекистон Республикаси бу ва бошқа барча террор ҳаракатларини кескин қоралаб, терроризмга қарши кураш ва ҳуқуқий негизнинг ривожланиши борасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этиш учун мамлакатнинг тайёрлигини намойиш қилиб келмоқда.

Навбатдаги сессия мажлисига Бомбали терроризмга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилиш масаласининг қўйилиши бунинг яққол мисолидир.

Конвенциянинг мазмунига кўра, ҳар қандай шахс, агар қонунга хилоф равишда ва қасддан портлатадиган ёки бошқа қирғин келтирадиган мосламаларни жамоатчилик жойлари, давлат объекти ёки саноатга оид объект, жамоат транспорти ёки инфраструктура тизими объекти доирасига олиб келса, жойлаштирса, ишга солса ёки портлатса ва нияти ўлимга дучор қилиш ёки жиддий жароҳат етказишдан, йирик иқтисодий зарар келтириб чиқариши мумкин бўлган талай вайронагарчиликлар содир этишдан иборат бўлса, жиноят қилган ҳисобланади. Ҳозирги пайтда конвенцияни 14 давлат имзолаган. 1998 йил 23 февралда Ўзбекистон Республикаси конвенцияни имзолаган ўн бешинчи давлат бўлди.

Навбатдаги сессияда «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилади. Унинг негизини ТРАСЕКА йўналишидаги республикалар учун ишлаб чиқилган транспорт тўғрисидаги қонун моделининг лойиҳаси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг, автомобиль транспорти бўйича халқаро конвенцияларнинг, шу жумладан ратификацияга киритилаётган халқаро автомобилда ташишни амалга оширувчи транспорт воситалари экипажлари ишига дахлдор Европа битими ва юкларни йўл орқали халқаро ташишда фойдаланиладиган, юкни йўл орқали ташувчи воситаларга солиқ тўғрисидаги конвенция нормалари ва қоидалари ташкил этади. Лойиҳани тайёрлаш чоғида бир қатор давлатларнинг қонун ҳужжатлари ўрганиб чиқилди. Автомобиль транспорти тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ҳамда автомобиль транспортига тегишли конвенциялар ва битимларни ратификация қилиш республика автомобиль транспортининг муваффақиятли ишлаши учун, жаҳон транспорт йўналишларида Ўзбекистоннинг роли ва аҳамиятини ошириш учун ўта муҳимдир.

Бу ва юқорида айтиб ўтилган конвенцияларни Олий Мажлис 12-сессиясида ратификация қилиш халқаро конвенциялар ташаббускори бўлган ривожланган давлатлар билан Ўзбекистоннинг ҳамжиҳатлигини таъминлашда катта роль ўйнайди.

Кўриниб турибдики, бундай муҳим халқаро конвенцияларга қўшилиш давлатимиз ташқи сиёсатининг инсонпарварлик хусусиятига эга эканлигини тасдиқлайди ҳамда мураккаб ўтиш даврида бундай катта мажбуриятларни ўз зиммасига олиши Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишга интилаётганидан далолатдир.

**Рустам ЖУМАЕВ,**
**Олий Мажлис депутати, сиёсий фанлар доктори.**

## ҚОНУНЛАР ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Мустақилликка эришганимиздан буён ўтган муддат ичида тараққиёт ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида дадил қадамлар қўйилди. Ислоҳотлар ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланаяпти.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда қонунлар тайёрлаш, қабул қилиш, уларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида катта ишлар амалга оширилаяпти. Демократик ислоҳотлар жараёнининг ҳуқуқий асослари яратилди. Янги қонунчилик тизими шаклланди. Ўтган даврда ўзбек парламенти 300 дан ортиқ қонунлар қабул қилди. Улар истиқлол ва инсон манфаатларига хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда инсон манфаатларини тўлароқ таъминлаш учун қонун ҳужжатларини тайёрлашни янада такомиллаштириш зарур вазифа бўлиб турибди. Шу ўринда бир савол туғилади: қонун ижодкорлиги фаолиятининг амалий аҳамияти нималардан иборат?

Қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш — давлатнинг энг муҳим функцияларидан бири бўлиб, олий вакиллик органи томонидан амалга оширилади.

Қонун тайёрлаш жараёни — Олий Мажлис ҳуқуқий нормаларни яратишга қаратилган асосий фаолиятидир. Парламент ушбу фаолияти орқали халқнинг иродасини қонун даражасида ифодалайди. Шу билан жамиятда мавжуд ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган умуммажбурий характердаги ҳуқуқий нормалар тизими вужудга келади.

Қонун яратиш жараёни қонун билан тартибга солиниши зарур бўлган ижтимоий муносабатларни аниқлаш, қонун лойиҳасини тайёрлаш, уни муҳокама этиш ва қонунни қабул қилиш каби бир неча босқичларни ўз ичига олади.

Бу жараённинг мураккаблиги ҳамда унинг масъулиятлилиги шундаки, ҳар бир қабул қилинган қонун жамият тараққиёти ва истиқболларига хизмат қилиши лозим.

Бинобарин, қонун ҳужжатларини тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш муҳим талаблардан биридир.

Парламентимиз томонидан 1997 йил 30 августда «Қонунларни тайёрлаш тўғрисида» махсус қонун қабул қилинди. Бу ҳужжатнинг муҳим хусусияти шундаки, унда биринчи маротаба қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш механизмининг демократик асослари мустаҳкамлаб берилди.

Қонун яратиш жараёнини демократлаштириш — унинг устуворлигини таъминлашнинг муҳим воситасидир. Шу билан бирга адолатли қонунлар яратишнинг зарур шартидир. Қонунчилик жараёнининг демократик табиатини кучайтириш мақсадида, бу масалага ниҳоятда масъулият билан, шахс, жамият ва давлат манфаатларини уйғунлаштириш нуқтаи назаридан ёндашилмоқда.

Бугунги кунда Олий Мажлиснинг қонунлар тайёрлаш фаолиятида жамоатчилик фикридан қандай фойдаланилмоқда? Аввалабор, мустақилликка эришгач, миллий қонунчиликка эга бўлганимизни ва айниқса миллий қонунчилик мактаби яратилганлигини таъкидлаш керак. Миллий қонунчилик мактабининг ўзини оқлаган босқичлари мавжуд.

Маълумки, ҳар бир қонунни яратишдан аввал тегишли ишчи гуруҳлари тузилади. Бу ишчи гуруҳлари таркиби депутатлар, мутахассислар, олимлар, амалиётчилардан иборат. Уларнинг ҳар бири жамоат аъзоси сифатида жамоатчилик фикрини билдиради.

Қонун лойиҳаларини Олий Мажлис қўмиталарида муҳокама этиш жараёнида депутатлар фаол қатнашадилар. Улар ҳам ўз сайловчилари фикрини ифода этадилар.

Қонун яратиш жараёнида ишчи гуруҳининг фаолиятидан бошлаб сессияга қадар жамоатчилик фикри у ёки бу тарзда ўз ифодасини топади.

Муҳим қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасидан ўтказилиши ижобий анъанага айланди. Бундай тадбир халқ иродаси ва талабини аниқлаш билан бирга қонунларни кенг омма ўртасида тарғиб қилиш, ҳуқуқий онгини юксалтириш, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни шакллантиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Аксарият кодексларнинг лойиҳалари парламент сессиясида биринчи ўқишда маъқуллангандан сўнг умумхалқ муҳокамасидан ўтказилди. «Ўзбекистон Республикасида қонунларни тайёрлаш тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида қонун лойиҳалари Олий Мажлис муҳокамасига киритилишидан олдин ҳам умумхалқ муҳокамасидан ўтказилиши мумкинлиги кўзда тутилган. Бу эса қонун лойиҳаларини янада пухтароқ тайёрлаш имкониятини беради.

Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари, Оила Кодекси сессия муҳокамасига тақдим қилинишидан олдин умумхалқ муҳокамасидан ўтказилгани барчага маълум. Улар таклиф-мулоҳазалар билан бойиб, мукаммалашди. Бу муҳим қонунлар омма ичида катта қизиқиш уйғотди.

Бундан ташқари, Олий Мажлиснинг қонунларни тайёрлаш жараёнида жамоат ижтимоий фикрини ҳисобга олишига яна бир мисол келтириш мумкин. Олий Мажлиснинг ташаббуси билан ишчи гуруҳи тузилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлиги, олимлар ва мутахассислар иштирокида Қонунчилик қўмитаси раҳбарлигида ФПК ва ХПК лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ушбу кодекслар билан бевосита ишлайдиган амалиётчи судьялар, прокурорлар, адвокатлар, нотариуслар, юрисконсультантлар, ҳокимият ходимлари ўртасида кенг муҳокама этилди ва билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳисобга олинди.

Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда идоравий ёндашув ёки фақат маълум бир ижтимоий гуруҳлар, шунингдек, жамият манфаати, инсон манфаатидан устун қўйишга йўл қўймаслик учун ошкоралик принципига қатъий амал қилинмоқда.

Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама этишга кенг жамоатчиликни, сиёсий партиялар ва бошқа манфаатдор ташкилотларни жалб этиш катта самара бермоқда. Турли сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг, ижтимоий гуруҳларнинг лойиҳа яратиш ва уни муҳокама қилишда иштирок этиши қонунчилик жараёни демократик тарзда бўлишига йўл очади.

Республикамизда шаклланаётган демократик вазият қонунлар лойиҳаларини матбуотда эълон қилиш йўли билан жамоатчилик фикрини инобатга олиш, халқ оммаси турли ижтимоий қатламларининг манфаати ва иродасини мужассамлаштириш имконини беради.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси парламентининг тузилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа вақт ичида парламент аъзолари томонидан салмоқли қонунчилик тизими яратилди.

Маълумки, қонун тайёрлаш ишида шошма-шошарликка, субъектив ёндашувга йўл қўйиб бўлмайди. Бу ўринда ижтимоий муносабатларнинг келгусида қандай ривожланишини кўра билиш, бу муносабатларнинг тегишли соҳасини қонун йўли билан тартибга солишга бўлган эҳтиёжни, қонун амал қилишини муттасил ўрганиб бориш зарур. Шу боисдан қонунчилик ишини ташкил этишда муайян режага ва тизимга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш, уни парламент муҳокамасига киритиш, қабул қилиш жараёнларида социологик сўровлар ўтказиш, қабул қилинган қонунлар самарадорлигини ўрганиш керак. Ҳукуматга қарашли бўлмаган «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда иш олиб бориш лозим.

Қонун яратиш — масъулиятли ва мураккаб жараён. Халқ иродасини ифодаловчи қонунлар жамият тараққиётини, юртимизда ўтказилаётган оламшумул ислоҳотлар тақдирини белгилайди. Бинобарин, парламент қонун яратиш масаласига юксак масъулият билан ёндашсагина қабул қилинадиган қонунлар жамият ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади.

**Фарруха МУҲИТДИНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари.**



*СУРАТДА: сессия қатнашчиларидан бир гуруҳи.* **В. ПОРТНОВ олган сурат.**

## ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар диёримизда демократик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишда муҳим ўрин тутади. «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини олайлик: унда бозор тамойиллари мукамаллашаётган мамлакатимизда банкротлик асослари ҳар томонлама пухта ёритилган, айниқса, манфаатдор шахсларнинг қонуний талабларини ҳимоя қилиш, банкротликнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширишнинг қоида ва шартлари батафсил белгилаб берилган. Шу билан бир қаторда қонун лойиҳасида мажбурий тўловлар мажбуриятини бажаришга қодир эмас, деб топиладиган тушунча аниқ кўрсатилганлиги корхоналарнинг масъулиятини оширади. Ёки «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасига эътибор беринг. Унда депозитарийлар фаолияти, қимматли қоғозларни сақлаш, ҳисобга олиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни қонун йўли билан тартибга солиш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади. Бу қонун инвесторларнинг депозитарийларда сақланаётган ва ҳисобга олинаётган ўз қимматли қоғозларига бўлган ҳуқуқларининг пухталиги, ҳимоя қилиниши даражасини ошириш имкониятини яратади.

Мамлакатимизда яратилаётган мукаммал қонунлар туфайли меҳнат жамоаларининг ҳақ-ҳуқуқлари ҳар томонлама муҳофаза этилиши тўлиқ таъминланди, десак муболаға бўлмайди. Шу боис ҳам жамоалар, якка тартибда ишловчи шахслар, тадбиркор ва фермерларнинг мамлакат тараққиётига қўшаётган ҳиссаси кундан-кунга ортиб бораётир. Жойларда замонавий техника ва технологиялар асосида маҳсулот ишлаб чиқарилиб, экспорт қилиш имкониятлари юзага келаяпти. Жумладан, бизнинг корхонада ҳам 1994 йилда давлат корхонаси негизида ҳиссадорлик жамияти ташкил этилди. Қонунлар доирасида, «Вақт» миллий депозитарийси ёрдамида зарур ҳужжатлар расмийлаштирилиб, акциялар чиқарилди. Бугунга келиб, 98 фоиз ишчи-хизматчиларимиз корхона акцияларининг эгасидир. Иш услуби ўзгаргач, жамоанинг ҳар бир аъзоси моддий манфаатдорлиги устувор масалага айланди. Мустаҳкам интизом, замонавий технологиялар, юқори малакали ходимлар фаолияти, ишчи-хизматчиларга яратилаётган намунали шароит, иш ҳақларининг ўз вақтида бериб турилиши, булар — корхонамиз маҳсулотлари сифатида кескин ўзгариш ясади. Ташқи дизайн ва сифатда мукаммалликка эришилгани боис маҳсулотларимизга талабгорлар ортиб бораётир.

Корхонамиз жамоаси 1995 йилдан бошлаб ҳар чоракда дивиденд пули олмоқда. Бир дона акциямизнинг номинал қиймати 500 сўм. Ҳар бир акцияга 1997 йил якуни бўйича берилган дивиденд миқдори номинал қийматга нисбатан 278 фоизга етди. Жамоамизда ижтимоий муҳофазага ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Вақти-вақти билан арзонлаштирилган баҳода ёки бепул ўсимлик ёғи, шакар, гуруч ва бошқа маҳсулотлар бериб борилаяпти.

Охирги икки йил ичида ўз имкониятларимиз самараси туфайли олинган соф фойда акциялардан тушган жамғармалар ҳисобига 530 минг АҚШ доллари баҳосида Италия ва Словакияда ишлаб чиқилган саноат линиялари сотиб олдик. Улар маҳсулотларимиз сифатини такомиллаштириб, олинаётган даромад салмоғининг ошишига олиб келди.

Корхонамиз жамоаси Олий Мажлиснинг ушбу сессиясида кўриб чиқиладиган барча масалаларга катта қизиқиш билан қарашмоқда. Чунки мамлакатимизда қонунлар мукаммаллигига эришиш, улар ижросини таъминлаш бурчимиздир.

**Алижон ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**Олий Мажлис депутати, Тошкентдаги «Мебель» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси.**

## РЕКЛАМА ОММАБОП БЎЛСИН

***Сессия кун тартибига «Реклама тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам киритилган. Мухбиримиз Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ўткир Ҳошимовга бир неча савол билан мурожаат қилди.***

— Хабарингиз бор, нисбатан қисқа муддатда оммавий ахборот воситалари, журналист ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ахборот олиш кафолатларига оид қатор қонунлар қабул қилинди. Бу ишга шахсан юртбошимизнинг ўзи ташаббускор бўлганини мамнуният билан таъкидлаш керак. «Реклама тўғрисида»ги қонун ҳам оммавий ахборот воситаларига бевосита алоқадор. Янги қонунда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизнинг кўп тармоқларига оид тушунчалар мавжуд. Шу боисдан лойиҳа устида турли соҳа мутахассислари меҳнат қилдилар ва у Олий Мажлиснинг Иқтисодий алоқалар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси, Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитаси, Матбуот ва ахборот қўмитаси ҳамкорлигида бир неча марта муҳокама қилинди. Турли ташкилотлар, мутахассислар, депутатлар билдирган жўяли таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинди.

«Реклама» сўзининг луғавий маъноси ҳақида. «Реклама» француз тилида муайян маҳсулот, товар, хизмат кўрсатиш ёки муайян шахс тўғрисида фойда олиш мақсадида махсус ахборот тарқатмоқ деган маънони англатади. Аслида реклама кеча ёки бугун пайдо бўлган тушунча эмас. Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, қадимий шарқ бозорларида жарчилар «фалон жойда фалон нарса сотиляпти, фазилати мана бундай, нархи мана бунча», деб эълон қилиши ҳам рекламанинг бир кўриниши бўлган.

**— Реклама тўғрисидаги ушбу қонун вазият тақозосими ёки...**

— Бугунги кунда рекламадан фойдаланиш зарурати ва имкониятлари кенг тус олди. Негаки, бозор иқтисодига ўтган барча мамлакатларда соғлом рақобат шароитини вужудга келтиришда реклама энг муҳим воситалардан бири ҳисобланади.

Лекин бу масалага алоқадор соҳалар кўп тармоқли экани, рекламани бериш, тайёрлаш, тарқатиш ва фойдаланишдаги ҳолатларни тартибга солиш зарурати махсус қонун лойиҳасини яратишни тақозо этди.

**— Айрим хорижий мамлакатларнинг теледастурларида намойиш этилаётган ярим яланғоч рекламаларни оилавий томоша қилишга ор қиласан киши. Балки уларнинг дунёқараши, турмуш тарзи шуни кўтарар. Аммо бизда... Ана шунга ўхшаш жиҳатларни ким тартибга солади?**

— Сизни тушундим. Табиийки, қонун ҳужжатларини яратишда мамлакатимизнинг ўзига хос маданий ва маънавий, ахлоқ ва одоб тамойиллари ҳам ҳисобга олиниши лозим. Дейлик, бир мамлакатда бемалол реклама қилиш мумкин бўлган айрим нарсалар иккинчи мамлакатнинг ахлоқий тушунчаларига мос келмаслиги аниқ. Иш жараёнида масаланинг бу жиҳати ҳам эътибордан четда қолдирилмади.

Яна бир нарсани таъкидлаш керак: реклама давлат томонидан тартибга солинади. Бундан кўзланган мақсад шуки, бирон юридик ёки жисмоний шахс ёлғон ёки қонун ҳужжатларига хилоф нарсани реклама қилса, рекламадан фойдаланувчи шахс моддий ёки маънавий зиён кўриши мумкин. Бундай пайтда унинг ҳуқуқини давлат ўз ҳимоясига олади.

**— Берилаётган рекламанинг тили ҳақида ҳам бирон нарса десангиз?**

— «Рекламанинг тили» деб номланувчи 6-моддада Ўзбекистон Республикасида реклама давлат тилида ва реклама берувчининг хоҳишига биноан бошқа тилларда ҳам тарқатилиши таъкидланган. Рекламага доир ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам, назаримизда, кенг ва равшан ифодалаб берилган. Реклама қонун ҳужжатларига хилоф бўлмаслиги, лўнда, аниқ, мазмунли бўлиши лозим.

**— Рекламада таъқиқланишлар бўлиши мумкинми?**

— Мамлакатимизнинг қонун ҳужжатларида ишлаб чиқарилиши ва тарқатилиши таъқиқланган маҳсулотлар реклама қилинишига йўл қўйилмайди. Жисмоний шахсларнинг ижтимоий келиб чиқиши, миллати, тили, жинси, турар жойи ва бошқа белгиларига қараб камситувчи ёки бошқа биров яратган маҳсулотни шубҳа остига олувчи, шунингдек одобсиз рекламалар тарқатиш мумкин эмас. Рекламада давлат рамзларидан фойдаланиш ёки уларга айнан тақлид қилиш ҳам таъқиқланади.

Давлатнинг расмий тадбирлари, маросимлари, Республика Президенти, Республика Олий Мажлиси Раиси, Республика Бош вазири, Конституциявий суд раиси, Олий Мажлис депутатлари, Ҳукумат аъзоларининг нутқларини узиб қўйиб реклама намойиш қилиш таъқиқланади. Бу умумжаҳон қонунчилик амалиётида қўлланиладиган норма ҳисобланади.

**—Шу кунларда рекламасиз телевидение кўрсатувлари, радио эшиттиришларини учратиш амри маҳол. Мириқиб томоша қилаётганингизда орага реклама қўйилади. Бу ҳол тез-тез такрорланаверади. Лойиҳада бу ҳақда ҳам бирон нарса дейилганми?**

— «Телевидение ва радиодаги реклама» (13-модда)да телекўрсатув ва радио эшиттиришларда реклама тарқатиш тартиблари белгилаб берилган. Албатта, телевидение ва радиода рекламадан фойдаланиш керак. Бироқ у томошабин ёки тингловчининг ғашига тегадиган даражада кўп бўлмаслиги, дастурлар ёки томошалар пайдарпай узиб қўйилмаслиги лозим. Шу боисдан кўрсатувлар даврийлигига қараб қанча муддатда неча марта реклама берилиши мумкинлиги лойиҳада кўрсатилган. Ташқи ва ички реклама, транспортдаги ва почта жўнатмаларидаги реклама қандай ҳолларда қандай жойлаштирилиши мумкинлиги, қандай чекланишлар назарда тутилгани ҳам аниқ белгиланган. Масалан, 18-моддада таъкидланганидек, умумфойдаланишдаги транспорт воситалари, метрополитен станциялари, вокзал, порт, аэропортларда йўловчига хабар берувчи овозли тармоқлар орқали реклама бериш таъқиқланади. Соддароқ мисол билан айтадиган бўлсак, аэропорт диктори қайси тайёра қайси йўналиш бўйича учиб келганини ёки қачон учишини эълон қилиши табиий ҳол. Бироқ, у аэропорт радиоси орқали маълум бир маҳсулотни реклама қилишга ҳаққи йўқ.

Лойиҳанинг 19-моддасида вояга етмаган шахсларга мўлжалланган рекламага доир чеклашлар ўз ифодасини топган. 20-моддада дори воситалари, тиббий буюмлар, косметик ва маиший кимё воситаларини реклама қилиш тартиблари, нималарни реклама қилиш таъқиқланиши белгиланган.

**— Бозорларда инсон соғлиғига жиддий путур етказувчи тамаки ва алкоголли ичимликлар борган сари кўпайиб кетаяпти. Бироқ реклама берувчиларнинг хоҳишими, телерадио эшиттиришларида «олиб чекинг», «мазза қиласиз», «роҳат» деган мақтовлардан нарига ўтилмаяпти.**

— Қонун лойиҳасининг 21-моддасида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар рекламасига оид тушунчалар, бу соҳадаги қатор чеклашлар ва таъқиқлашлар белгиланган. Тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар рекламаси тамаки чекиш ва алкоголли ичимликни истеъмол қилишнинг зарари ҳақида огоҳлантириш билан қўшиб олиб борилиши керак. Тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар жами рекламаси майдонининг камида 5 фоизи ҳамда телевидение ва радиодаги реклама ролиги эфир вақтининг камида 3 секунди ана шундай огоҳлантириш учун ажратилиши зарур.

Тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар рекламаси бу маҳсулотларни истеъмол қилиш жараёнларини намойиш этишдан иборат бўлмаслиги, уларнинг терапевтик хоссаларини тарғиб этмаслиги, бу жараёнлар ижтимоий ва спорт ютуғига эришиш учун ёки истеъмолчиларнинг жисмоний ва руҳий ҳолати яхшиланиши учун муҳим аҳамиятга эга, деган таассурот туғдирмаслиги керак.

Телевидение ва радиода эрталаб соат 7 дан кеч соат 22 гача тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни реклама қилиш, газеталарнинг биринчи ва охирги саҳифаларида, журналларнинг ва бошқа даврий нашрларнинг муқоваларида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни реклама қилиш ва бошқалар қонун билан таъқиқланиши ҳам аниқ белгиланган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар рекламасига қўшимча чеклашлар белгилаши мумкин.

**— Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масаласи лойиҳада кўрсатилганми? Бу ҳақда ҳам икки оғиз гапирсангиз.**

— «Аксилреклама» деб номланган 32-моддада муҳим тушунчалар ифодаланган. Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалаларида ҳам жиддий тушунчалар бор. Ҳозирги пайтда реклама берувчи билан уни тарқатувчи ўртасидаги муносабатда баъзи ноаниқликлар учраб туради. Масалан, юридик ёки жисмоний шахс газетага, журналга, радио ёки телевидениега реклама тақдим этади ва ҳақини олгандан кейин рекламани эълон қилаверинглар, қабилида муносабатда бўлади. Реклама тарқатувчи ҳам суриштириб ўтирмай, уни эълон қилади. Натижада рекламадан фойдаланувчи моддий ёки маънавий зарар кўриши мумкин. Бундай ҳоллар кўп бўлмасада рўй бериб туради. Шу сабабли реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун реклама берган ҳам, уни тайёрлаган ҳам, тарқатган ҳам жавобгар, деб белгилаб қўйилгани адолатлидир.

**«Халқ сўзи» мухбири Исматилла ТОШЕВ суҳбатлашди.**

